

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН ҲУКМ

2021 йил ноябрь ойининг 23 кунда жиноят ишлари бўйича Жомбой туман судининг очик суд мажлиси ўз биносида бўлиб, раислик қилувчи судья М.М.Шерйигитов, ҳалқ маслаҳатчилари Х.Маматқулова ва Т.Эрназаровалардан иборат таркибда, судья ёрдамчиси Ш.Нуруллаевнинг котиблигида, тарафлардан Жомбой туман прокурори ёрдамчиси С.Собиров, судланувчи Э.Х.Тухлиев ва унинг ҳимоячиси адвокат Б.Абдувоҳидов ҳамда судланувчи Д.Ў.Нодиров ва унинг ҳимоячиси А.Яхьяевнинг иштирокида, судланувчи Тухлиев Эгамберди Холмаматович ва Нодиров Дониёр Ўлмасовичга оид №1-1406-2101/108-сонли жиноят ишини кўриб чиқди.

Иш ҳужжатларига кўра:

СУДЛАНУВЧИ: ТУХЛИЕВ ЭГАМБЕРДИ ХОЛМАМАТОВИЧ (TUXLIYEV EGAMBERDI XOLMAMATOVICH), 1975 йил 4 январь куни Пайариқ туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти олий, оилалик, 4 нафар фарзандлари бор, муқаддам судланмаган, вақтинча ишсиз, Жомбой тумани, “А.Қурбонов” маҳалласига қарашли “Беруний” кўчаси 3-уйда яшаган, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 227-моддаси тартибида 2021 йил 8 август куни ушланиб, қамоқ эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов ҳулосаси нухасини 27.08.2021 йил куни олган,

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 4-қисми “а” банди, 28,211-моддаси 3-қисми “а” банди билан айбланган.

СУДЛАНУВЧИ: НОДИРОВ ДОНИЁР ЎЛМАСОВИЧ (Nodirov Doniyor O'lmasovich), 1971 йил 2 ноябрь куни Пайариқ туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти ўрта-маҳсус, оилалик, 3 нафар фарзандлари бор, вақтинча ишсиз, Жомбой туман “А.Қурбонов” маҳалласига қарашли “Беруний” кўчаси 6/2-уйда яшайди, “гаров” эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов ҳулосаси нухасини 28.08.2021 йил куни олган,

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 4-қисми “а” банди, 28,211-моддаси 3-қисми “а” банди билан айбланган.

Суд ҳайъати, судланувчи ва гувоҳларнинг кўрсатувларини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб, ишда мавжуд бўлган далилларга баҳо бериб, қуйидагиларни

АНИҚЛАДИ:

Судланувчи Тухлиев Эгамберди Холмаматович, бирор бир ижтимоий фойдали меҳнат билан шуғулланмасдан, Нодиров Дониёр Ўлмасовичнинг иштирокчилигида, жинорий тил бириктириб текин даромад топиш мақсадида 2021 йилнинг 6 август куни фуқаро Ш.Баходировга Жомбой тумани ҳудудидаги Сув хўжалиги бўлимига



тегишли ерни, ўзини ер майдони деб кўрсатиб ҳар бир сотихини 2100 АҚШ доларидан 0,16 га ерни жами 33.200 АҚШ долларга келишиб (25.08.2021 йилдаги марказий банкнинг сўмга нисбатан курсида 1 АҚШ доллари 10634.35 сўм жами 353 060 420 сўм), дастлаб 100 АҚШ доллари олиб, 07.08.2021 йилда келишилган асосий пул маблағидан 7 000 АҚШ доллар пулларни фирибгарлик йўли билан қўлга киритмоқчи бўлган вақтида ушланиб ҳужжатлар расмийлаштирган.

Судланувчи Нодиров Дониёр Ўлмасович, бирор бир ижтимоий фойдали меҳнат билан шуғулланмасдан, Тухлиев Эгамберди Холмаматовичга иштирокчилик қилиб, текин даромад топиш мақсадида 2021 йилнинг 6 август куни фуқаро Ш.Баходиров ва Э.Тухлиевларни таништириб, уларнинг Жомбой тумани ҳудудида ер майдонини ҳар бир сотихини 2100 АҚШ доларидан 0,16 га ерни жами 33.200 АҚШ долларга сотишга келишишига эришиб, келишилган пуллардан 200 АҚШ доллари олишни режа қилиб, судланувчи Э.Тухлиев томонидан аризачининг 100 АҚШ доллари пулларини олиб, 07.08.2021 йилда келишилган асосий пул маблағидан 7 000 АҚШ доллар пулларни фирибгарлик йўли билан қўлга киритмоқчи бўлган вақтида ушланганлиги сабабли, ўзининг жиноий ҳаракатларини ўзига боғлиқ бўлмаган ҳолатда охирига етказа олмасдан иштирокчилик қилган.

Судланувчи **Тухлиев Эгамберди Холмаматович**нинг жиноят содир этганликдаги айби, ўзининг суддаги, айбига қисман иқрор бўлиб, ҳақиқатдан ҳам 2021 йил 4 август куни қўшниси “Дониёр” ака унга қўнғироқ қилиб, “участканг борми сотиладиган” деганлигини, унга сотиладиган участкаси борлигини айтганлигини, аслида бу ер сув хўжалиги захирасига тешгишли бўлганлигини, шунда у унга бир мижоз йигит келганлигини айтганлигини, шундан сўнг унга эртага келишини айтганлигини, 2021 йил 5 август куни соат 10:00 ларда ёнига қўшниси “Дониёр” ака унга олдиндан таниш бўлмаган кейинчалик билишича “Шохжахон” исмли йигит билан бирга келганлигини, у йигит унга “ерингиз борми” деганлигини, унга ери борлигини, ҳар бир сотих ерни 2.200 АҚШ долларига сотишини айтганлигини, шунда у унга бир сотих ер учун 2.100 АҚШ доллари беришини айтганлигини, унинг таклифига рози бўлиб, унга ерни учидан бирор нарса бериб кетишини айтганлигини, шунда у “бўлди 16 сотих бўлса сотиб оламан” деганлигини ва унга 100 АҚШ доллари бериб кетганлигини, унга душанба куни қўнғироқлашини айтганлигини, у ерни сотса қўшниси “Дониёр” ака ундан ҳам 100 АҚШ доллари ва ерни сотиб олган йигитдан ҳам 100 АҚШ доллари олиши керак бўлганлигини, унинг 200 АҚШ доллари улуши бўлганлигини, шундан кейин, 2021 йил 7 август куни қўшниси “Дониёр” ака ва “Шохжахон” исмли йигит билан Жомбой тумани “Дехқонобод” маҳалласида учрашганлигини, у ердаги “М-39” автомобиль йўлининг ёқасидаги ошхонага кириб ош танаввул қилганлигини, у ерда “Шохжахон” исмли йигит унга ундан сотиб



олмоқчи бўлган ерига қурилиш қилмоқчи эканлигини айтганлигини, шунда унга ери тахминан 16 сотих чиқишини айтганлигини, у ундан ерни тўлиқ олишини айтганлигини, кейин улар овқатланиб чиққанлигини ва нотаниш оқ рангли “Ласетти” автомашинасига минганлигини, йўлда унга “Шохжахон” 100 АҚШ доллари купюрадаги жами 7 минг АҚШ долларини берганлигини, ўша вақтда автомашинада улар билан бирга Дониёр ака ҳам бўлганлигини, у ундан 7 минг АҚШ долларини олганидан кейин Жомбой тумани “Шайман” маҳалласи ҳудудида автомашинани тўхтатганлигини, шунда ёнига бир нечта фуқаролик кийимидаги шахслар келиб ўзларини вилоят ИИБ ходимлари деб таништириб, унга ва икки нафар ҳолисларга ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунтириб, “Шохжахон” берган 7 минг АҚШ доллари пулларни ҳужжатлаштириб олганлигини, у Ш.Боходировга Жомбой туманидаги “Мирза ариқ” канали ёқасидаги ерни ўзига тегишли деб сотмоқчи бўлганлигини, лекин ушбу ернинг унга тегишлилиги ҳақида бирор ҳужжатлари мавжуд эмаслигини, у уни кадастр ҳужжатларини тўғирлаб бераман, ер ўзимга тегишли деб алдаганлигини, у кейинчалик ҳокимият ва кадастр ходимлари орқали ҳужжатини тахлаб беришни режа қилганлигини, лекин хали айнан кимга ва қанча беришни режалаштирмаганлигини, у Ш.Баходировнинг ишончига кириш учун Жомбой туман ҳокимини танишлигини айтганлигини, Жомбой туман ҳокими унинг курсдоши бўлмаслигини, у мижоз кетиб қолмаслиги учун ҳокимга кириб бир ҳафтага қолмасдан ҳал қилишини айтганлигини, у кадастр ходимларини ҳақини беришини айтганлигини, бунда у қилиниши лозим бўлган тўловларни назарда тутганлигини, ҳокимга қўл қўйдираман деб алдаганлигини, у ҳақиқатдан ҳам бир ҳафта ичида қарор чиқаришни айтганлигини, лекин бирор бир шахс орқали эмас ўзи унинг номидан кадастрга мурожаат қилиб тўловларни тўлаб ҳужжатларини қилиб бермоқчи бўлганлигини, 7 000 АҚШ доллари олишининг сабаби ҳужжатларни расмийлаштириб қолган пулни олмоқчи бўлганлигини, чунки ҳужжатсиз ерга ҳамма пулни бермаслигини билганлигини, дастлаб олган 100 ақш Долларини вилоят ИИБ ходимларига ўз ихтиёри билан топширганлигини, содир қилган қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, қилган жиноятини оқибатларини тушуниб етганлигини, унга нисбатан қонуний енгиллик беришни баён қилди.

Судланувчи **Нодиров Дониёр Ўлмасович**нинг жиноят содир этганликдаги айби, ўзининг суддаги, айбига қисман иқроп бўлиб, ҳақиқатдан ҳам 2021 йил 4 август куни кечга яқин кўчада бўлган вақтида унга олдиндан таниш бўлмаган бир йигит келиб, унга “мен ер сотиб олмоқчиман, Сиз шу ерда кимнинг ери борлигини билар экансиз” деганлигини, кейин у қишлоқдоши Тўхлиев Эгамберди ер сотмоқчи эканлигини эшитганлиги сабабли, унга қўнғироқ қилганлигини, у унга Жомбой тумани ҳудудидан ўтувчи “Мирза ариқ” канали атрофида ери



борлигини, ўша ерни сотишини айтганлигини, улар кейинчалик “Шохжахон” исмли йигит билан эртаси куни учрашиб олишга келишиб олганлигини, 2021 йил 5 август куни соат 10:00 ларда кўшниси Э.Тухлиевнинг уйига “Шохжахон” исмли йигит билан бирга борганлигини, у йигит Э.Тухлиевга унга ери борлигини, ерини сотишини, бир сотих ерни 2.200 АҚШ долларига сотишини, ери тахминан 0,16 га эканлигини айтганлигини, шунда “Шохжахон” унга 0,16 га бўлса ҳам сотиб олишини бир сотих ер учун 2.100 АҚШ доллари беришини айтганлигини, Э.Тухлиев унинг бу таклифига рози бўлганлигини, “Шохжахон”га ерни учидан бирор нарса бериб кетишини айтганлигини, шунда “Шохжахон” Э.Тухлиевга 100 АҚШ доллари ер учун дастлабки пулни берганлигини ва улар душанба куни кўнғироқлашини айтганлигини, шундан сўнг, 2021 йил 7 август куни Э.Тухлиев ва “Шохжалон” исмли йигит билан Жомбой тумани “Дехқонобод” маҳалласида учрашганлигини, у ердаги “М-39” автомобиль йўлининг ёқасидаги ошхонага кириб ош танавул қилганлигини, у ерда Шохжахон исмли йигит Э.Тухлиевга ундан сотиб олмоқчи бўлган ерига қурилиш қилмоқчи эканлигини айтганлигини, шунда унга Э.Тухлиев унга сотмоқчи бўлган ери тахминан 0,16 га чиқишини айтганлигини, Шохжахон ерни тўлиқ сотиб олишини айтганлигини, кейин улар нотаниш оқ рангли Ласетти автомашинасига минганлигини, йўлда Э.Тухлиевга Шохжахон 100 АҚШ доллари купюрадаги жами 7 минг АҚШ долларини берганлигини, ўша вақтда автомашинада у ҳам бўлганлигини, Э.Тухлиев Шохжаҳондан 7 минг АҚШ долларини олгандан кейин Жомбой тумани Шайман маҳалласи худудида автомашинани тўхтатганлигини, шунда ёнига бир нечта фуқаролик кийимидаги шахслар келиб ўзларини вилоят ИИБ ходимлари деб таништириб, уларга ва икки нафар ҳолисларга ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунтириб, Шохжаҳон берган 7 минг АҚШ доллари пулларни Э.Тухлиевдан ҳужжатлаштириб олганлигини ва уларни туман ИИБ маъмурий биносига олиб келганлигини, у ерда Э.Тухлиевни икки кўлини кўздан кечиришганда қўлларида ва шими чўнтаклари атрофида оч яшил рангли доғлар борлиги аниқланганлигини ва пахта тампонига тегишли тартибда намуналар олинганлигини, шунингдек Шохжаҳон унга берган 7 минг АҚШ доллариди ҳам оч яшил рангли доғлар борлиги аниқланиб, ушбу пулларнинг 4 донасида “ПОРА” сўзи ёзилганлигини аниқлишиб, ушбу ҳолат ҳам ҳолислар иштирокида тегишли тартибда расмийлаштирилганлигини, у ушбу ишларга аралашшига сабаб ўртада бўлганлиги сабабли, уларнинг савдоси ўхшаса унга ҳам икки юз АҚШ доллари беришлари керак бўлганлигини, шу сабабли у ҳам аралашиб юрганлигини, Э.Тўхлиев Ш.Баходировга Жомбой туманидаги “Мирза ариқ” канали ёқасидаги ерни ўзига тегишли деб сотмоқчи бўлганлигини, лекин ушбу ернинг Э.Тўхлиевга тегишлилиги ҳақида бирор ҳужжатлари мавуд ёки мавжуд эмаслиги ҳақида



билмаслигини, содир қилган қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, қилган жиноятини оқибатларини тушуниб етганлигини, унга нисбатан қонуний енгиллик беришни баён қилди.

Судланувчилар **Тухлиев Эгамберди Холмаматович ва Нодиров Дониёр Ўлмасович** суд мажлисида ўз айбига қисман иқрорлик билдириб кўргазма берган бўлса-да, уларнинг айби суд мажлисида сўралган жабрланувчилар, фуқаровий даъвогар ва гувоҳларнинг кўргазмаси ҳамда жиноят иши ҳужжатларида мавжуд бўлган инкор этиб бўлмайдиган қуйидаги далиллар йиғиндиси билан тўлиқ ўз исботини топди, яъни,

Судда сўралган гувоҳ **Баходиров Шоҳжахон Баходирович**нинг, ҳақиқатдан ҳам у 5.08.2021 йилда Жомбой туманида яшовчи “Дониёр” исмли шахс билан танишиб қолганлигини, ундан ўзига ер майдони кераклиги ҳақида сўраганида у “Эгамберди” исмли шахсни ер майдони борлигини ва ушбу шахс билан учраштириб ерни кўрсатиши ҳақида айтганлигини, сўнг 06.08.2021 йилда ушбу ер егаси “Эгамберди” исмли шахс билан учрашганида “Мирза ариқ” канали бўйида 0,16 га ер майдони борлигини, уни сотиши кераклигини, ушбу ер майдони сув хўжалигига қарашли эканлигини, агарда ушбу ерни оладиган бўлса унинг номига эгалик ҳуқуқини тиклаб бера олишини, шунингдек ҳар-бир сотих ер майдонини 2100 АҚШ долларида сотишини, жами бўлиб 33 200 АҚШ доллар бўлишини билдириб гаров сифатида 100 АҚШ доллари олиб қолиб ҳужжатларни расмийлаштириш учун 7000 АҚШ доллари олиб келиб беришини, ҳужжатларни туман хокими орқали бир кунда хал қилиб беришини вада қилганлигини, шундан сўнг у ўзининг оила азоларига ушбу ер ҳақида айтганида оила аъзолари ушбу ерни ноқонуний эканлигини, агарда ушбу ерларни оладиган бўлса берадиган 7000 доллар пулига қуйиб қолиши мумкинлигини айтганлигини, сўнг шу куни у фуқаролик бурчини бажариш мақсадида вилоят ИИБ га ариза билан мурожат қилганлигини, шундан кейин 2021 йил 7 август куни вилоят ИИБ маъмурий биносида “Эгамберди” ва “Дониёр” исмли шахсларга келишувга асосан берилиши керак бўлган 7000 АҚШ доллари ишлов берилиб, унга қўшимча сўзлашувларни ёзиб олувчи аппарат холислар иштирокида тақдим қилинганлигини, шундан сўнг вилоят ИИБ ходимлари билан биргиликда Жомбой туманида жойлашган “Оқибат” номли ошхонада “Эгамберди” ва “Дониёр” исмли шахслар билан биргаликда тушлик қилиб олганидан сўнг “Шайман бозор” ёнида жойлашган автомашиналар ювиш жойи ёнига ўзининг бошқарувидаги “Ласетти” русумли 30 P 336 RA давлат рақамли автомашинани вилоят ИИБ ходимлари билан келишилган нуқтага олиб келиб, ишлов берилган пулларни “Эгамберди” исмли шахсга берганидан сўнг олдиндан келишиб олинган махсус белгини ИИБ ходимларига кўрсатганлигини, шу вақтни ўзида вилоят ИИБ ходимлари етиб келишганлигини ва “Эгамберди” исмли шахсни ёнига келиб қўлга



олишганлигини ва туман ИИБга олиб кетишганлигини, Э.Тухлиев билан 0,16 га ер майдонини ҳар бир сотихини 2100 АҚШ долларидан жами 33,200 АҚШ долларига савдолашганлигини, Э.Тўхлиев мазкур ер майдонини унга сотиш учун келишув вақтида 33,200 АҚШ долларидан фақат Кадастр ходимларига бериб ҳужжатлаштиришини, лекин айна қайси кадастр ҳодимига беришлигини айтмаганлигини, ҳоким курсдоши эканлигини айтиб у билан муаммо бўлмаслигини билдирганлигини лекин кимга қанча бериб ҳужжат қилиб беришини аниқ айтмаганлигини, у Э.Тўхлиевни “Дониёр” исмли ака орқали топганлигини, “Дониёр” исмли шахс ҳам мазкур 33,200 АҚШ доларидан манфаатдор бўлиши тўғрисида келишув бўлганлигини, унга ушбу ерларни топиб берганлиги учун 200 АҚШ доллари бериши кераклиги ҳақидаги;

Судда сўралган гувоҳ **Амонов Мубориз Муртозақулович**нинг, ҳақиқатдан ҳам 2021 йил 7 август куни соат тахминан 10:40 ларда Самарқанд шаҳар Бўстон-сарой кўчасида таниши “Абдуазиз” билан биргаликда ўтиб кетаётган вақтида фуқаролик кийимида икки нафар шахс келиб ўзини вилоят ИИБ ходими деб таништириб уларни ўтказилаётган тадбирда холис бўлиб иштирок этишини сўраганлигини, улар ўз хохиши билан рози бўлиб вилоят ИИБ маъмурий биноси, 3-қаватига чиққанлигини, уларни ИИБ ходими олиб кирган хонада аризачи Баходиров Шохжохон ўтирганлигини кўрганлигини, ушбу фуқарога Жомбой туманида яшовчи “Эгамберди” ва “Дониёр” исмли шахслар 0,16 сотих ер майдони борлиги ҳақида айтиб ушбу ерларни хар-бир сотихини 2100 АҚШ долларидан сотишини, жами бўлиб 33 200 доллар беришини айтиб, гаров сифатида 100 АҚШ долларини олиб қолиб ҳужжатларни расмийлаштириш учун 7000 АҚШ доллар беришини талаб қилишганлиги ҳақида айтишганлигини, шу сабабли вилоят ИИБ ходимлари аризачи Ш.Баходировга 7000 АҚШ долларни уларнинг гувоҳлигида мутахассис томонидан оч яшил рангли кукун билан 7000 АҚШ долларига ишлов бериб, 4 дона 100 АҚШ долларлик капюраларга махсус қаламча билан “пора” сўзларини ёзишганлигини, аризачи Ш.Баходиров ва “Эгамберди ва Дониёр” исмли шахслар ўртасида бўлиб ўтадиган сухбатларни ёзиб олиш мақсадида Ш.Баходировга сариқ рангли овозни ёзиб олиш аппарати ўрнатилганлигини ва 7000 АҚШ доллар пул маблағи топширилганлигини, шундан сўнг вилоят ИИБ ходимлари билан биргаликда Ш.Бахадировнинг бошқарувида бўлган “Ласетти” русумли автомашина ортидан кузатиб борганлигини, шундан сўнг Жомбой тумани ҳудудидан ўтувчи катта йўл ёнида жойлашган “Оқибат” номли ошхона ёнига келиб тўхтаганлигини ва Ш.Баходиров ушбу ошхонага кириб чамаси 30 дақиқаларда “Эгамберди” ва “Дониёр” исмли шахслар аризачи Ш.Баходировнинг бошқарувида бўлган “Ласетти” русумли 30 P 336 RA давлат рақамли автомашинага биргаликда келиб ўтиришганлигини кўрганлигини, шундан сўнг



аризачи Ш.Баходиров “Шайман” МФЙ худудида жойлашган “Автомашиналар ювиш жойи” олдига келиб тўхтаганлигини ва бироздан сўнг вилоят ИИБ ходимлари билан олдиндан келишиб олинган махсус белгини кўрсатганидан сўнг ИИБ ходимлари ва улар ушбу автомашина ёнига борганлигини, вилоят ИИБ ходимлари ушбу автомашина ичидаги икки нафар шахсларга ўзларини таништириб “Эгамберди” исмли шахсдан қўлида турган 7000 АҚШ долларни нима сабабдан олганлиги ҳақида сўраганлигини ва ушбу икки нафар фуқароларни туман ИИБ маъмурий биносига олиб келишганлигини, “Эгамберди” исмли шахсни қўллари ва эгнидаги кийимларини мутахассис томонидан кўздан кечирилганда “Эгамберди” исмли шахснинг эгнидаги кийимлари ва қўлларида оч яшил рангли кукун излари борлигини кўрганлигини, шундан сўнг 7000 АҚШ доллар пуллар ҳам мутахассислар томонидан текширилганда ушбу пулларнинг 4 донасида “пора” ёзуви борлигини кўриб ушбу пулларни аризачи Ш.Баходировга вилоят ИИБ ходимлари томонидан махсус ишлов берилган пуллар эканлигини билганлигини, сўнг ушбу пуллар махсус канвертга солиниб муҳрланганлиги ҳақидаги кўрсатувлари билан;

-шунингдек, судланувчилар Э.Х.Тухлиев ва Д.Ў.Нодировларнинг айби жиноят иш материалида мавжуд бўлган ҳужжатлар билан, яъни

-07.08.2021 йил кунги аризачи Ш.Б.Баходировнинг Самарқанд вилоят ИИБ бошлиғига ёзган аризаси (жиноят ишининг 6-варақаси);

-07.08.2021 йил кунги ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш ҳақидаги баённома (жиноят ишининг 8-9-варақалари);

-07.08.2021 йил кунги Овозни ёзиб олиш мосламасини аризачига топшириш ва қабул қилиш баённомалари (жиноят ишининг 10-11-варақалари);

-07.08.2021 йил кунги пулларга махсус ишлов бериш ва аризачига тақдим қилиш тўғрисидаги баённома (жиноят ишининг 12-варақаси);

-тушунтириш хатлари, сўроқ баённомалари ва юзлаштириш баённомалари ҳамда жиноят ишида тўпланган бошқа ҳужжатлар билан ўз тасдиғини топди.

Суд ҳайъати, судланувчи Тухлиев Эгамберди Холмаматовичнинг ҳаракатлари дастлабки тергов органи томонидан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 4-қисми “а” банди билан тўғри, бироқ ЖКнинг 28,211-моддаси 3-қисми “а” банди билан нотўғри малакаланган деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 28,211-моддаси 3-қисми “а” бандида “Пора бериш, яъни давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи мансабдор шахсига мазкур мансабдор шахснинг ўз хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда содир этиши лозим ёки мумкин бўлган муайян ҳаракатни пора берган шахснинг манфаатларини кўзлаб бажариши ёки бажармаслиги эвазига қонунга хилоф эканлигини била туриб бевосита ёки воситачи



орқали моддий қимматликлар бериш ёки уни мулкый манфаатдор этиш, жуда кўп миқдорда содир этганлик учун” жиноий жавобгарлик назарда тутилган.

Суд ҳайъати, дастлабки тергов органи томонидан судланувчи Э.Тухлиевга эълон қилинган айблов бўйича аризачи Ш.Баходировдан фирибгарлик йўли билан қўлга киритган пуллари бўйича ЖКнинг 28,211-моддаси 3-қисми “а” банди юзасидан айбини муҳокама қилиб, тергов органи унга бу борада содир этган жиноий ҳаракатини тасдиқловчи холисона далиллар йиғмасдан шубҳа ва гумонлар остида айб эълон қилган деб ҳисоблайди.

Чунки, 17.08.2021 йил кунги Дискдаги овоз ёзувларини стенограмма қилиш тўғрисидаги баённомада, аризачи Ш.Баходировнинг ариза, тушунтириш хатлари, сўроқ баённомалари ва суд мажлисидаги кўрсатувларида судланувчи Э.Тухлиев мазкур пуллардан бирор бир мансабдор шахсга бериб, ернинг ҳужжатларини қилиб беришлиги ҳақида айтганлигини билдириб кўрсатувлар беришмаган, бундан ташқари судланувчи Э.Тухлиев суд мажлисидаги кўрсатувида “.....у Ш.Баходировнинг ишончига кириш учун Жомбой туман ҳокимини танишлигини айтганлигини, Жомбой туман ҳокими унинг курсдоши бўлмаслигини, у мижоз кетиб қолмаслиги учун ҳокимга кириб бир ҳафтага қолмасдан ҳал қилишини айтганлигини, у кадастр ходимларини ҳақини беришини айтганлигини, бунда у қилиниши лозим бўлган тўловларни назарда тутганлигини, ҳокимга қўл қўйдираман деб алдаганлигини, у ҳақиқатдан ҳам бир ҳафта ичида қарор чиқаришни айтганлигини” билдириб кўрсатув бериб ўтган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2017 йил 11 октябрдаги “Фирибгарликка оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 35-сонли Қарорининг 22-бандида “Агар қимматликларни эгаллаш мақсадида уларнинг эгаси айбдор томонидан пора беришга далолат этилган бўлса, унинг ҳаракатлари фирибгарликдан ташқари пора беришга далолат этиш сифатида қўшимча квалификация қилиниши лозим. Қимматликлар эгасининг ҳаракатлари эса, бундай ҳолларда, пора беришга суиқасд сифатида квалификация қилиниши керак” деб раҳбарий тушунтириш берилган.

Суд тергови давомида аризачи Ш.Баходиров судланувчи Э.Тухлиев томонидан пора беришга далолат қилганлик ҳолати ўз исботини топмаганлиги, ер сув хўжалигига тегили бўлиб, шубҳа ва гумонлар остида бу борада айб эълон қилинганлиги, ҳозирда шубҳа ва гумонларни бартараф этиш имкони йўқлиги сабабли, бу шубҳа ва гумонларни судланувчини фойдасига ҳал этган ҳолда, судланувчи Э.Тухлиевни айбловидан Ўзбекистон Республикаси ЖК 28,211-моддаси 3-қисми “а” банди бўйича қўйилган айбловни Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 83-моддаси 2-бандига асосан оқлашни ва жиноят ишининг шу қисмини ҳаракатдан тугатишликни лозим деб топади.



Суд ҳайъати, судланувчи Нодиров Дониёр Ўлмасовичнинг ҳаракатлари дастлабки тергов органи томонидан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 4-қисми “а” банди ва 28,211-моддаси 3-қисми “а” банди билан нотўғри малакаланган деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 28,211-моддаси 3-қисми “а” бандида “Пора бериш, яъни давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи мансабдор шахсига мазкур мансабдор шахснинг ўз хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда содир этиши лозим ёки мумкин бўлган муайян ҳаракатни пора берган шахснинг манфаатларини кўзлаб бажариши ёки бажармаслиги эвазига қонунга хилоф эканлигини била туриб бевосита ёки воситачи орқали моддий қимматликлар бериш ёки уни мулкий манфаатдор этиш, жуда кўп миқдорда содир этганлик учун” жиноий жавобгарлик назарда тутилган.

Суд ҳайъати, дастлабки тергов органи томонидан судланувчи Д.Нодировга эълон қилинган айблов бўйича аризачи Ш.Баходировдан фирибгарлик йўли билан қўлга киритган пуллари бўйича ЖКнинг 28,211-моддаси 3-қисми “а” банди юзасидан айбини муҳокама қилиб, тергов органи унга бу борада содир этган жиноий ҳаракатини тасдиқловчи холисона далиллар йиғмасдан шубҳа ва гумонлар остида айб эълон қилган деб ҳисоблайди.

Чунки, 17.08.2021 йил кунги Дискдаги овоз ёзувларини стенограмма қилиш тўғрисидаги баённомада, аризачи Ш.Баходировнинг ариза, тушунтириш хатлари, сўроқ баённомалари ва суд мажлисидаги кўрсатувларида судланувчи Э.Тухлиев мазкур пуллардан бирор бир мансабдор шахсга бериб, ернинг ҳужжатларини қилиб беришлиги ҳақида айтганлигини билдириб кўрсатувлар беришмаган, бундан ташқари судланувчи Э.Тухлиев суд мажлисидаги кўрсатувида “.....у Ш.Баходировнинг ишончига кириш учун Жомбой туман ҳокимини танишлигини айтганлигини, Жомбой туман ҳокими унинг курсдоши бўлмаслигини, у мижоз кетиб қолмаслиги учун ҳокимга кириб бир ҳафтага қолмасдан ҳал қилишини айтганлигини, у кадастр ходимларини ҳақини беришини айтганлигини, бунда у қилиниши лозим бўлган тўловларни назарда тутганлигини, ҳокимга қўл қўйдираман деб алдаганлигини, у ҳақиқатдан ҳам бир ҳафта ичида қарор чиқаришни айтганлигини” билдириб кўрсатув бериб ўтган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2017 йил 11 октябрдаги “Фирибгарликка оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 35-сонли Қарорининг 22-бандида “Агар қимматликларни эгаллаш мақсадида уларнинг эгаси айбдор томонидан пора беришга далолат этилган бўлса, унинг ҳаракатлари фирибгарликдан ташқари пора беришга далолат этиш сифатида қўшимча квалификация қилиниши лозим. Қимматликлар эгасининг ҳаракатлари эса, бундай



ҳолларда, пора беришга суиқасд сифатида квалификация қилиниши керак” деб раҳбарий тушунтириш берилган.

Суд тергови давомида аризачи Ш.Бахадиров судланувчи Д.Нодиров томонидан пора беришга далолат қилганлик ҳолати ўз исботини топмаганлиги, шубҳа ва гумонлар остида бу борада айб эълон қилинганлиги, ҳозирда шубҳа ва гумонларни бартараф этиш имкони йўқлиги сабабли, бу шубҳа ва гумонларни судланувчини фойдасига ҳал этган ҳолда, судланувчи Д.Нодировни айбловидан Ўзбекистон Республикаси ЖК 28,211-моддаси 3-қисми “а” банди бўйича қўйилган айбловни Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 83-моддаси 2-бандига асосан оқлашни ва жиноят ишининг шу қисмини ҳаракатдан тугатишликни лозим деб топади.

Бундан ташқари, судланувчи Д.Нодировга дастлабки тергов огани томонидан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 4-қисми “а” банди билан нотўғри айб эълон қилинган.

Чунки, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2017 йил 11 октябрдаги Фирибгарликка оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 35-сонли Қарорининг 7-бандада “ Мулкни эгаллашга қаратилган фирибгарлик, мазкур мулк айбдор ёки бошқа шахсларнинг ғайриқонуний эгалигига ўтган ва улар ундан ҳохлаган тарзда фойдаланиш ёки тасарруф этиш реал имкониятига эга бўлган пайтдан тугалланган деб топиш лозим” лиги;

18-бандида “Агар шахснинг қасди ўзганинг мулкни кўп (жуда кўп) миқдорда эгаллашга йўналтирилган бўлиб, у айбдорга боғлиқ бўлмаган ҳолатларга кўра охирига етказилмаган бўлса, қилмиш ҳақиқатда талон-торож қилинган мулк қийматидан келиб чиқиб, кўп (жуда кўп) миқдордаги фирибгарликка суиқасд сифатида квалификация қилиниши керак”лиги ҳақида раҳбарий тушунтириш берилган.

Иш ҳолатларига кўра, судланувчи Д.Нодиров судланувчи Э.Тухлиев билан ўзаро жиноий тил бириктириб, текин даромад топиш мақсадида 2021 йилнинг 6 август куни ўзини фуқаро Ш.Баходировга Жомбой тумани худудида ер майдони мавжуд деб кўрсатиб ҳар бир сотихини 2100 АҚШ доларидан 0,16 га ерни жами 33.200 АҚШ доларига келишиб (25.08.2021 йилдаги марказий банкнинг сўмга нисбатан курсида 1 АҚШ доллари 10634.35 сўм жами 353 060 420 сўм), бошида 100 АҚШ доллари олиб, 07.08.2021 йилда келишилган асосий пул маблағидан 7 000 АҚШ доллар пулларни фирибгарлик йўли билан қўлга киритмоқчи бўлган вақтида ушланиб ҳужжатлар расмийлаштирилган.

Бундай ҳолатда олинган маблағдан реал фойдаланиш тарзда фойдаланиш ёки тасарруф этиш реал имкониятига эга бўлмаган.

Шу сабабли, судланувчи Д.Нодировнинг содир этган жиноий ҳаракатини Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 4-қисми “а” бандидан ЖКнинг 25,28,168-моддаси 4-қисми “а” бандига қайта квалификация қилишликни лозим деб ҳисоблайди.



Суд ҳайъати, судланувчи Тухлиев Эгамберди Холмаматовичга нисбатан жазо тайинлашда, унинг айбига қисман иқрорлигини, содир этган жиноий қилмишига чин кўнгилдан пушаймонлигини, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 55-моддасига асосан жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб топиб, жиноятни ғараз ва паст ниятларда содир қилганлигини Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 56-моддасига асосан жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар деб баҳолайди.

Суд ҳайъати, судланувчи Нодиров Дониёр Ўлмасовичга нисбатан жазо тайинлашда, унинг айбига қисман иқрорлигини, содир этган жиноий қилмишига чин кўнгилдан пушаймонлигини, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 55-моддасига асосан жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб топиб, жиноятни ғараз ва паст ниятларда содир қилганлигини Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 56-моддасига асосан жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар деб баҳолайди.

Суд ҳайъати, судланувчи Тухлиев Эгамберди Холмаматовичга нисбатан жазо турини белгилашда, содир этган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 7-моддасида жиноят содир этган шахсга нисбатан у ахлоқан тузалиши ва янги жиноят содир этишининг олдини олиш учун зарур ҳамда етарли бўладиган жазо тайинланиши ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси қўлланилиши кераклиги белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли қарорининг:

-1-бандида судларнинг эътибори жиноят учун жазо тайинлашда қонунийлик, инсонпарварлик, одиллик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги принципларига қатъий амал қилишга қаратилиши;

-3-бандида Жиноят кодексининг 8, 54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши – ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши кераклиги деб кўрсатилган инсонпарварлик принципига амал қилиб, унинг қисман айбига иқрорлиги ва қилмишидан пушаймонлигини шунингдек жиноят иши юзасидан зарар мавжуд эмаслигини, жиноятнинг ижтимоий хавфлилиги даражаси ва хусусиятини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 4-қисми “а” бандида назарда тутилган жарима жазоси тайинлашни ва унга нисбатан қўлланилган қамоқ эҳтиёт чорасини бекор қилиб, суд залидан озод қилишни лозим топди.

Суд ҳайъати, судланувчи Нодиров Дониёр Ўлмасовичга нисбатан жазо турини белгилашда, содир этган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 7-моддасида жиноят содир этган шахсга нисбатан у ахлоқан тузалиши ва янги жиноят содир этишининг олдини



олиш учун зарур ҳамда етарли бўладиган жазо тайинланиши ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси қўлланилиши кераклиги белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли қарорининг:

-1-бандида судларнинг эътибори жиноят учун жазо тайинлашда қонунийлик, инсонпарварлик, одиллик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги принципларига қатъий амал қилишга қаратилиши;

-3-бандида Жиноят кодексининг 8, 54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши – ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши кераклиги деб кўрсатилган инсонпарварлик принципига амал қилиб, унинг қисман айбига иқрорлиги ва қилмишидан пушаймонлигини шунингдек жиноят иши юзасидан зарар мавжуд эмаслигини, жиноятнинг ижтимоий хавфлилиги даражаси ва хусусиятини инобатга олиб, унга нисбатан ЖКнинг 57-моддасини қўллаб Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 4-қисми “а” бандида назарда тутилган энг кам жарима жазосидан ҳам камроқ жарима жазоси тайинлашни ва унга нисбатан қўлланилган гаров эҳтиёт чорасини ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг бекор қилишликни лозим топди.

Шунингдек суд ҳайъати, аризачи Ш.Бахадиров томонидан судланувчи Э.Тухлиевга ер майдонини олиш учун гаров сифатида берилган 100 (юз) АҚШ доллари дастлабки тергов даврида судланувчи Э.Тухлиев томонидан қайтарилганлигини инобатга олишни лозим деб топади.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 454-457, 462, 463, 465-468, 471-473-моддаларига амал қилиб, суд

ҲУКМ ҚИЛАДИ:

СУДЛАНУВЧИ ТУХЛИЕВ ЭГАМБЕРДИ ХОЛМАМАТОВИЧ (TUXLIYEV EGAMBERDI XOLMAMATOVICH), Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 28,211-моддаси 3-қисми “а” банди билан оқлансин.

СУДЛАНУВЧИ ТУХЛИЕВ ЭГАМБЕРДИ ХОЛМАМАТОВИЧ (TUXLIYEV EGAMBERDI XOLMAMATOVICH), Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 4-қисми “а” банди билан айбли деб топилсин.

Судланувчи Тухлиев Эгамберди Холмаматовичга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 4-қисми “а” банди билан, базавий ҳисоблаш миқдорининг 400 (тўрт) юз баравари миқдорида яъни 98.000.000 (тўқсон саккиз миллион)сўм жарима жазоси тайинлансин.

Судланувчи Тухлиев Эгамберди Холмаматовичга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 62-моддасига асосан, 2021 йил 8 август кунидан



2021 йил 23 ноябрь кунига қадар 3 ой 15 кун дастлабки қамоқда сақланган ҳар бир кунини жарима жазосини иккидан бир қисмига тенглаштирилиб, тайинланган жазодан базавий ҳисоблаш миқдорининг 52,5 (эллик икки бутун ўндан беш) бараварини яъни 12.862.500 (ўн икки миллион саккиз юз олтмиш икки минг беш юз)сўмини чегириб, базавий ҳисоблаш миқдорининг 347,5 (уч юз қирқ етти бутун ўндан беш баравари) миқдорида яъни 85.137.500 (саксон етти миллион бир юз ўттиз етти минг беш юз)сўм жарима жазоси тайинлансин ва жарима давлат фойдасига ундирилсин.

Судланувчи Тухлиев Эгамберди Холмаматовичга нисбатан қўлланилган “қамоқ” эҳтиёт чораси бекор қилинсин ва дарҳол суд залидан озод қилинсин.

СУДЛАНУВЧИ НОДИРОВ ДОНИЁР ЎЛМАСОВИЧ (NODIROV DONIYOR O'LMASOVICH), Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 28,211-моддаси 3-қисми “а” банди билан оқлансин.

СУДЛАНУВЧИ НОДИРОВ ДОНИЁР ЎЛМАСОВИЧ (NODIROV DONIYOR O'LMASOVICH), Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 25,28,168-моддаси 4-қисми “а” банди билан айбли деб топилсин.

Судланувчи Нодиров Дониёр Ўлмасовичга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 25,28,168-моддаси 4-қисми “а” банди билан, ЖКнинг 57-моддасини қўллаб базавий ҳисоблаш миқдорининг 150 (бир юз элик баравари) миқдорида яъни 36.750.000 (ўттиз олти миллион етти юз элик минг)сўм жарима жазоси тайинлансин ва жарима давлат фойдасига ундирилсин.

Судланувчи Нодиров Дониёр Ўлмасовичга нисбатан қўлланилган “гаров” эҳтиёт чораси ҳукм қонуний кучга кирган кундан бекор қилинсин ва ОАТБ “Агробанк” жомбой туман бўлими ҳисобида сақланаётган 5.500.000 сўм пуллар судланувчи Д.Нодировга қайтарилсин.

Ҳукмдан норози тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан бошлаб, судланувчи ва жабрланувчилар ҳукм нусхасини олган кундан бошлаб, йигирма сутка ичида Самарқанд вилоят судининг жиноят ишлари бўйича апелляция инстанцияси судлов ҳайъатига шикоят бериш ёки протест билдириши мумкин.

Раислик қилувчи:

М.М.Шерйигитов

ҳалқ маслаҳатчилари:

Х.Маматқулова

Т.Эрназарова

